

*«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Ягона акциядорнинг қарорига
7-илова*

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Ягона акциядорнинг
27 февраль 2020 йилдаги АС-01/2020
сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ИЧКИ НАЗОРАТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

янги тахрирда

Тошкент – 2020 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Ички назорат сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 11 февралда 02-02/1-187-сон билан рўйхатдан ўтказилган), «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (кейинги ўринларда – «Банк») Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом ички назорат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек Банкнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

3. Мазкур Низом Банк ходимлари, унинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари томонидан риоя қилиниши мажбурий ҳисобланади.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ СИЁСАТИ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ

4. Ички назорат – Банк фаолияти ичига ўрнатилган ва қуйидаги соҳаларда Банк мақсадларига асосланган ва етарлича нисбатан эришилганлиги тасдиғини олиш мақсадида таваккалчиликлар бошқаруви, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган узлуксиз амал қилувчи жараён:

- фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан активларни ишлатиш самарадорлиги, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш даражаси;

- молия ҳисоботининг ишончлилиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

- Банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлик.

5. Ички назорат тизими – Банкда ички ҳужжатлар билан қатъий белгиланган, Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаш ва ходимлар (ички назорат субъектлари) томонидан барча функциялар бўйича ташкил қилинган ва амалга ошириладиган ички назорат чоралари, тартиботлари ва усулларини текширувчи ташкилий тузилмалар мажмуи.

6. Ички назорат тартиботлари – ички назорат субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари бузилишларини аниқлаш, Банк томонидан белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини, шунингдек ички назорат тартиботларини реализация қилиш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларини баҳолаш учун йўналтирилган чоралар мажмуи.

7. Ички назоратни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

8. Ички назорат оператив режимда қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятига эга:

- активларнинг яхши сақланиши, Банк ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

- амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши;

- Банкнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун ривожланиш стратегиялари, Банкнинг бизнес-режалари бажарилиши;

- Банкнинг бухгалтерия ҳужжатлари, молия ҳисоботлари ва бошқарув ахбороти тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

- Банк фаолиятида таваккалчиликларнинг аниқланиши, улар юзага келган пайтда идентификацияланиши ва таҳлил қилиниши;

- Банк фаолиятида таваккалчиликларнинг режалаштирилиши ва бошқарилиши, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилиниши;

- Ижроия органи, Кузатув кенгаш ва Тафтиш комиссияси аъзоларига иш ҳақи ва бадаллар тўлови, шу жумладан унинг миқдорлари мослиги, очиқлиги ва объективлиги.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ

9. Банкдаги ички назорат сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

узлуксиз ишлаш – ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича ишлаши банкка меъёрдан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида улар юзага келишини оғоҳлантириш имконини беради;

ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорликлари – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилиб борилади;

вазифаларнинг тақсимланиши – Банк назорат функциялари такрорланишига йўл қўйилмаслигига интилади ва ушбу функциялар ходимлар ўртасида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг яхши сақланишини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш билан боғлиқ функциялар бир шахснинг ўзи томонидан бирлаштирилмайдиган тарзда тақсимланиши керак;

операцияларнинг тегишлича маъқулланиши ва тасдиқланиши – молия-хўжалик операциялари ваколатли шахслар томонидан уларнинг тааллуқли ваколатлари доирасида амалга оширилади;

Банкнинг кундалик ички назоратини амалга оширадиган бўлинманинг ташкилий алоҳидалиги ва унинг бевосита Кузатув кенгашига функционал ҳисобдорлиги таъминланиши;

Банкда ишлайдиган ички назорат барча субъектларининг назорат функциялари тегишлича бажарилиши учун жавобгарлиги;

Банк барча бўлинмаларининг аниқ ўзаро муносабатлари асосида ички назоратнинг амалга оширилиши;

мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – Банк ички назорат тизими янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурати ҳисобга оинган ҳолда мослашиши учун мосланувчан созланиш шарт-шароитларини таъминлашга интилади;

оғишлар тўғрисида хабарларнинг ўз вақтида узатилиши – Банкда оғишларни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга шахсларга тааллуқли ахборот узатилишининг максимал қисқа муддатлари белгиланган ўрнатилган;

Банк фаолиятининг назорат йўлга қўйилаётган соҳалари устуворлигини белгилаш – ички назорат тизими томонидан қамраб олинadиган стратегик йўналишлар, уларнинг фаолият самарадорлиги (“ҳаражатлар – иқтисодий самара” нисбати)ни ўлчаш мушкул бўлсада, ажратиб кўрсатилади.

10. Ички назорат тизими қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- назорат муҳити;
- таваккалчиликни баҳолаш жараёни;
- ахборот тизими, шу жумладан молиявий ҳисобот билан боғлиқ тааллуқли бизнес-жараёнлар ва ахборот алмашинуви;
- назорат бўйича ҳаракатлар;
- назорат муҳитлари мониторинги.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

11. Ички назорат Банк Кузатув кенгаши, Ички аудит хизмати, Тафтиш комиссияси, Бошқаруви, шунингдек банкнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади, бунда ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12. Банкда фаолият юритадиган бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, тўланадиган иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби, таркибга ва малакага талаблар Банкнинг ички

норматив ҳужжатлари билан назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлар бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларига дахлдор бошқа ҳужжатлар каби мазкур Низомга зид келиши мумкин эмас.

13. Кузатув кенгаш функцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегиялари ривожланиш йўналишларини белгилаш ва тасдиқлаш;

- Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Банк Бошқаруви раиси, ички ва ташқи аудитлар, Тафтиш комиссияси раҳбарларининг мунтазам ҳисоботлари маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга ва ички назоратнинг барча соҳалари, жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назорат, ички сиёсат ва тартиботлар назорати бўйича шахсий кузатувларга асосланган ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йилги хабардор қилиш;

- ички назорат тартиботларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

14. Банк ва унинг алоҳида бўлинмалари фаолияти устидан молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий ички назорат функцияларини амалга ошириш учун жавобгарлик ички назоратнинг доимий амал қилувчи органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг вазифалари ва ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

15. Мунтазам назоратнинг амалга оширилиши, айнан эса Банк ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молиявий ҳисобот тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги учун жавобгарлик Ички аудит хизмати зиммасига юкланади, унинг вазифалари ва ваколатлари Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган, бундай хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда эса, Банкнинг ички назорати учун масъул Банк Тафтиш комиссиясига юклатилади.

16. Ички назорат тизими фаолияти учун жавобгарлик Бошқарув раиси зиммасига юкланади. Банкнинг Бошқарув раиси ички назорат тизими тартиботларини жорий қилади ва Кузатув кенгашни Банкнинг барча таваккалчиликлари, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилган ҳолда, унинг самарали ишлашини таъминлайди.

17. Ички назорат тизимининг тегишлича фаолият юритиши ходимларнинг юқори касбий малакаларига ҳам боғлиқдир. Банк кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш тизими уларнинг юқори малакали бўлишларини ва улар томонидан юқори одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилинишини таъминлаши учун бор имкониятларини ишга солади.

18. Қуйидаги шахслар Банкнинг ички аудит хизматидаги лавозимларни эгаллаш ёки Тафтиш комиссияси аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар:

- иқтисодий соҳадаги жиноятлар ёки тартибга қарши жиноятлар учун судланганлиги бекор қилинмаган шахслар;

- Банкнинг Боғқарув раиси ёки аъзолари ҳисобланган шахслар;

- таъсисчилар (акциядорлар, иштирокчилар), Ижроия органи раҳбари ёки аъзолари ёхуд Банкка рақобатчи бўлган бошқа юридик шахснинг ходимлари ҳисобланган шахслар.

Ички аудит хизмати ва Тафтиш комиссияси таркибига кирувчи шахсларга бошқа талаблар уларнинг фаолиятини қатъий белгилайдиган ички низомлар билан белгиланади.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАРТИБОТЛАРИ

19. Ички назорат тартиботлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

огоҳлантирувчи – салбий воқеалар юз беришига йўл қўймаслик имкониятини берувчи;

аниқловчи (ошкор қилувчи) – юз берган салбий воқеаларни аниқлаш учун;

директив – исталган воқеа юз беришига кўмаклашувчи;

тузатувчи – салбий воқеа юз бериши оқибатларини бартараф қилувчи;

ўрнини тўлдирувчи – назорат воситаларида мавжуд заиф томонлар ўрнини тўдирувчи.

20. Ички назорат тартиботлари Банкнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланган қоидаларга мувофиқ бошқарувнинг барча даражаларида амалга оширилади.

21. Банкдаги ички назорат тартиботлари, жумладан қуйидагиларни ўз ичига олади:

мувофиқлаштириш – тааллуқли ваколатлар берилган турли бўлинмалар ва бошқарув даражалари ходимлари томонидан ҳужжатларнинг маъқулланиши;

авторизациялаш – ходимлар томонидан операцияларни амалга ошириш учун рухсат олинishi;

солиштириш – турли манбалардан олинган ахборотнинг тўлиқлигини, аниқлигини, қарама-қарши эмаслигини ва тўғрилигини текшириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби моддалари, ҳисобга олиш тизимлари, Банк ва унинг контрагентлари ҳисоб маълумотлари ўртасида фарқлар мавжуд эмаслигини назорат қилиш;

арифметик назорат – молия, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларда ҳисоб-китоблар, шу жумладан назорат суммалари ҳисобининг арифметик тўғрилигини текшириш;

оғишлар таҳлили – фаолиятнинг ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги кўрсаткичлар, прогнозлар, олдинги даврлар маълумотлари, рақобатчилар фаолияти натижалари билан солиштириш асосида белгиланган мақсадларга эришиш ва режаларни бажариш даражаларини баҳолаш;

активлар яхши сақланишининг жисмоний назорати – активлар, хоналар, ҳужжатлардан жисмоний фойдаланишни чеклаш, активлар сақланадиган жойларни тегишлича жиҳозлаш, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларни тузиш;

инвентаризация қилиш – бухгалтерия ҳисобининг шубҳасиз тўғрилигини ва Банк активларининг яхши сақланишини таъминлаш мақсадида активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий мавжудлигини ва сифат тавсифларини аниқлаш ва таснифлаш;

ахборот технологиялари умумий ва ихтисослашган назорат тартиботлари (компьютер назоратлари) – фойдаланиш назорати, маълумотлар яхлитлиги, ахборот тизимига ўзгартиришлар киритилиши.

22. Муайян назорат тартиботлари мазмуни бошқарув ва функционал йўналганлик даражасига боғлиқ бўлиб, таркибий бўлинмалар томонидан Банкнинг мақсадларига ва таркибий бўлинмаларнинг вазифаларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ

23. Мониторинг ўтказишдан кўзланган мақсад Банкнинг ички назорат тизими самарадорлигини, шу жумладан унинг ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифалар бажарилишини таъминлаш имкониятини баҳолаш, шунингдек тизим камчиликлари жиддийлигини аниқлашдан иборат.

24. Банкнинг ички назорат органлари йилнинг ҳар чорагида Банк Кузатув кенгаши олдида ўз функционал вазифаларига мувофиқ ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

25. Банкнинг бир йил ичидаги молия-хўжалик фаолияти текширувлари яқунлари бўйича Банкнинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, ушбу хулоса Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тингланади.

26. Ташқи аудитор ички назорат тизимини текширишда ички назоратнинг амалдаги тизимини кўздан кечиради, назорат воситаларининг мақсадга мувофиқлигини баҳолайди, ички назорат тизими самарадорлиги текширувини ўтказди. Ички назорат тартиботларини ўрганиш ва баҳолашда хўжалик операцияларини ўтказиш учун рухсат берилганлигига, вазифалар

таксимланишига, назорат тадбирларини ўтказишда ҳужжатлаштириш ва қайд этилишга алоҳида диққат-эътибор қаратилади.

27. Банкнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил ихтисослашган (профессионал) ташкилотларни жалб қилиш Банк Кузатув кенгаши қарори бўйича танлов асосида амалга оширилади.

28. Банк Кузатув кенгаши ўз йиллик ҳисобот таркибида акциядорларга ички ва ташқи аудитлар, Тафтиш комиссиясининг ҳисобот маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга ва ички назоратнинг барча соҳалари: жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назорат, ички сиёсат ва тартиботлар назорати бўйича шахсий кузатувларга асосланган ички назорат тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида ахборот тақдим қилади.

29. Ички назорат тизими мониторинги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф қилиш учун йўналтирилган.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Мазкур Низом Банк ходимлари, унинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари томонидан риоя қилиш учун мажбурий ҳисобланади.

31. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

32. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради.